

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

моддаларининг мембранали гидролизи ва сўрилиши	187
Н.Полвонов	
Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида мол-мулкни мусодара қилишга бўлган муносабат	189
О.А.Yuldashev	
Сиёсий партиялар ва ҳукумат идоралари	192
И. Исмаилов	
Қўқон хонлиги Маллахон Ибн Шералихон даврида (1858-1862)	195
Р. Дусчанов	
Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг солиқ сиёсати (1950-1970 йиллар мисолида)	198
Р. Джураев	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда чорвачиликнинг аҳволи (от ва йилқичилик мисолида)	202
М.Темирова	
Халқ ҳаётида радиодастурлар ролининг ошиб бориши ва уларнинг ғоявий-маънавий функциялари (1927-1991)	205
О.Халилов	
Мустақил Ўзбекистон ва Хитой халқ республикаси ўртасидаги муносабатлар тарихий нуқтаи назардан	209
Д. Камбарова	
Инглиз тили дарсларида ахборот воситаларидан фойдаланиш	212
Қ.Кахаров	
Германияда маданиятлараро нутқий этикет муаммолари	214
Ф. Дадабаева	
А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида диалог таржимаси	217
Г. Азамжонова	
Шукрулло ижодига Жаҳон ва рус адабиётининг таъсири	220
Н.Мерганова	
Талабаларнинг хорижий тилда оғзаки нутқини ўстиришнинг педагогик усуллари	224
М.Қаҳҳорова, З.Мухаммаджонова	
Чет тили дарсларида ижтимоий шаклларнинг аҳамияти	227
А.Х.Зинатуллина	
Француз тили дарсларида қўшиқлардан фойдаланиш	230
Ф.Анварова	
Жаргонларнинг нутқимизда тутган ўрни ва вазифаси	233

УДК:

ЖАРГОНЛАРНИНГ НУТҚИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ ВА ВАЗИФАСИ

РОЛЬ И ЗАДАЧИ ЖАРГОНОВ В НАШЕЙ РЕЧИ

THE ROLE AND OBJECTIVES OF JARGONS IN OUR SPEECH

Ф.Анварова¹

¹Ф.Анварова

ФарДУ, талабаси.

Аннотация

Мақолада жаргонларнинг қўлланиш хусусиятлари, уларнинг вазифалари, шунингдек, сўзлашув нутқида салбий таъсири кўриб чиқилади.

Аннотация

В данной статье рассматриваются особенности употребления жаргонов, их функции, а также негативное влияние на разговорную речь.

Annotation

This article discusses the features of the use of jargon, their functions, as well as the negative impact on the colloquial speech.

Таянч сўз ва иборалар: сўзлашув нутқи, жаргонлар, савдогарлар жарғони, талабалар жарғони.

Ключевые слова и выражения: разговорная речь, жаргоны, сленг торговцев, студенческий жаргон.

Keywords and expressions: colloquial speech, jargon, trade slang, students' jargon.

Тил нақадар бой нарса. Бундай “бойлик” ҳар бир тилда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ўзаро муносабат давомида тилнинг ўзига хос кўринишларидан фойдаланиш нутқнинг қисқа ва қизиқарлилигини таъминлайди.

Шу ўринда маълум касб доирасида ишлатиладиган сўзлар эса қайсидир маънода сирлиликни, айти пайтда ўша касб вакиллари учун қулайлик ва тушунарлиликни намоён қилади. Айнан маълум касб доирасидагина ишлатиладиган жумлалар ва сўзлар эса бизга “жаргон”лар ибораси орқали таниш.

Жаргон- (французча, жаргон-сафсата) бирор ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос лексикаси, поэтикаси ва грамматикаси билан умумсўзлашув тили ва маҳаллий диалектлардан фарқ қиладиган тил. Жаргон муайян ижтимоий муҳитда юзага келади ва шулар манфаатига хизмат қилади (масалан, талабалар, ҳарбий хизматчилар, турли касб, машғулот эгалари орасидаги жаргонлар).

Жаргонлар ҳам лексик, ҳам услубий жиҳатдан турли-туман, тезда ўзгарувчан бўлиб, барқарор бўлмайди. Масалан, ёшлар орасида “кетдим” ўрнида “сирпандим”, “пул” ўрнида “соққа”, “доллар” ўрнида “кўки”; санъаткорлар орасида “хизмат учун ҳақ олмаслик” ўрнида “томсувоқ”, “пул” ўрнида “якан” ва бошқалар учрайди. Жаргонларнинг

ўзига хос томонларидан бири шундаки, улар қайси ижтимоий гуруҳ орасида юзага келган бўлса, деярли фақат шу гуруҳ вакиллари учун тушунарли бўлади, шу тоифадагиларнинг вазият, шароит тақозосига кўра, бошқалардан яширин тугиладиган мақсадларига хизмат қилади[1]. Бироқ жаргонларга атамалар деб қараш нотўғри ҳисобланади. Чунки атама асосан ўзининг изоҳи берилган сўзга ишлатилади. Жаргонлар эса шундай сўзларки, умуман олганда барчага тушунарли кўринади, аслида эса бу маълум касб вакиллари доирасида код вазифасини ўтайди.

Шуни таъкидлаш керакки, жаргонлар нафақат бугунги ҳаётимизда, касб доираси вакиллари орасида, балки ўтмишда ҳам маълум бир жараёнларни амалга оширишда фойдаланилган. Яъни ўтмишда халқни эксплуатация қилувчи синф вакиллари, сарой доирасига мансуб бўлган юқори мансабдорлар, савдогарлар, дин аҳллари, қаландар ва маддоҳлар, халқни алдаб юривчи гадойлар, ўғрилар ва бошқа фирибгарлар ўз ниятларини халқдан яшириш мақсадида ўзлари учунгина тушунарли бўлган сўзлар ва иборалардан фойдаланганлар. Бундай сўзлар кўпроқ форс-тожик, араб тилларига (кейинчалик рус тилидан ҳам олинган), улар товуш

томонидан ҳам, маъно томонидан ҳам сунъий равишда ўзгартирилган.

Бундан келиб чиқадики, айрим ижтимоий гуруҳлар томонидан яратилиб, умумхалқ тилидан фарқ қиладиган дабдабали сўз ва иборалар жаргонлар ҳисобланади [2].

Аммо шуни эътиборга олиш керакки, тил бирорта даврнинг, бирорта ижтимоий-

иктисодий формациянинг маҳсули бўлмай, балки бутун жамият тарихи жараёнидаги бир қанча даврнинг маҳсулидир. Бундан келиб чиқадики, тил жамиятга хизмат қилувчи ижтимоий ҳодисадир. Жамият аъзоларининг синфлар, табақалар ва гуруҳларга бўлинишидан қатъий назар, тил ҳаммага баробар хизмат қилувчи алоқа воситаси бўлиб қолади.

Сўзлашув нутқи турли касб синф, вакиллари табақаларига мансуб шахслар нутқида юз берувчи жараёнлар. Сўзлашув нутқида қўлланиш доирасига кўра, жаргонларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

Сарой амалдорлари нутқида қўлланилувчи жаргонлар.

Дин пешволари нутқида қўлланилувчи жаргонлар.

Савдогарлар нутқида қўлланилувчи жаргонлар.

Ўғрилар ва безорилар нутқида қўлланилувчи жаргонлар.

1. Отарчилар (созандалар) нутқида қўлланилувчи жаргонлар.

2. Хотин-қизлар нутқида қўлланилувчи жаргонлар.

3. Талабалар ва ўқувчилар нутқида қўлланилувчи жаргонлар.

4. Умумомма томонидан қўлланилувчи жаргонлар.

5. Бу турдаги жаргонларга ўтмишда сарой доирасига мансуб бўлган шахсларнинг ҳамда дин аҳллариининг дабдабали, баландпарвоз сўзлари, яъни “киборлар тили” киради. Улар ўзларини менҳаткаш халқдан юқори тутиш ва ўз мақсадларини меҳнаткаш оммадан яшириш ниятида анна шундай сўзлардан фойдаланганлар. Манбаларда айнан шу ҳолат қуйидагича изоҳланади: “Таким образом, отдельные общественные группы создали отличающийся от общенародного языка... тайный диалект, который называется жаргоном[3].

6. Савдогарлар нутқида қўлланилувчи жаргонлар.

7. Савдогарларнинг нутқи ҳам бевосита сўзлашув нутқи билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, табиий равишда улар орасида нутқ давомида жаргонларнинг учраши табиий ҳол. Бундай жаргонларнинг аксарият қисми ҳозирги ўзбек адабий тилининг луғат фондида мавжуд бўлган сўзлардан ҳосил бўлади. Бу борада шундай сўз кетади: “В речи перекупщиков и спекулянтов также встречаются жаргонизмы, понятные только для них самих [4].

8. Савдогарлар нутқида қўлланилувчи жаргонларга сар ёки сарпиез (минг сўм), сарунимсар (бир минг беш юз сўм), шапкаси (устама пул, ортиқча нарх), эллик олти (ипак), тиш (гуруч), қийқим (материал), қайчи (текширувчи), сочини олмоқ (арзон нархда олмоқ), инхай (чой), капари (олти минг сўм), мўйсафид (столичний ароқ) ва бошқаларни киритиш мумкин.

9. Масалан:

10. –Устида озроққина шапкаси бор.

11. –Шапкаси нимаси? (“Шарқ юлдузи”)

12. –Эллик олтидан қанча бўлса кетади (“Муштум”)

13. –Менга сарунимсарлик қийқим ташлаб кетди. (С.Турсун).

14. –Икки қишлоқни яхшилаб сочини олдим. (Оддий сўзлашувдан).

15. Қоровул: - Мўйсафиддан кечга тўрт ўров қолдиринг

16. Сотувчи: -Қайчига эҳтиёт бўласиз-да! (“Муштум”).

17. –Бизга инхай керак эди, топиб берсангиз, биродар.

18. –Устида шапкаси билан бор, оласизми?

19. –Сарпиез етадим, ахир? (“Муштум”)

20. –Бир қоп тишни хамирдан қил суғургандек тез муҳайё қиламиз. (Жонли нутқдан).

21. Афсуски, жаргонлар нутққа зарар келтирувчи маълум белгили сўзлар қаторида ҳам тилга олинади. Сабаби ихтиёрий сўзнинг маълум маънода кодга айланишида. Адабий нутқнинг софлигига путур етказувчи белгиларга диалектал сўзлар, жаргонлар ва арголар,

пичинг, ҳақорат сўзлар, ўринсиз ишлатилган турли такрорларни, ноўрин ишлатилган чет сўзларини киритиш мумкин. Адабий тил ўзининг ёзувига асосланиши ва миллат учун умумийлиги ҳамда нормативлиги билан жонли сўзлашув тилидан, шева ва диалектлардан фарқ қилади [5].

22. Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ҳар бир тилда, айниқса, оғзаки нутқда эркинлик устунлик қилади. Аммо ҳар нарсада чегара бўлганидек, сўзлашув нутқида жаргонларни ишлатишда ҳам эҳтиёткорлик ва меъёр талаб қилинади. Зероки, сўзлашув нутқидаги эркинликлар нутқсофлигига путур етишига сабаб бўлмасин.

Адабиётлар:

- 1.ЎзМЭ. Биринчи жилд. –Т., 2000-йил.
- 2.Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. - Ўзбек тили. –Т.: 1996-йил.
- 3.Пинхасов Й. Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси. –Т.: 1996.
- 4.Шомақсудов А. Ўзбек тили стилистикаси ҳақида. –Т.: 1974.
- 5.Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: 1980.
- 6.Турсунпўлатов М. Лексика узбекской разговорной речи. – Т.: Фан,1986.
- 7.Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.:Ўқитувчи,1982.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)